



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



АМУДАРЁ ОРОЛИДАГИ МАҚБАРА

Наркулова Зулайхо

*Термиз археология музейи илмий
ходими*

Аннотация: Ушбу мақолада бутун дунё нигоҳини ўзига тортиб келаётган “Пайгамбар ороли” яъни “Зул-Кифл” мақбараси ва қабри ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: “Пайгамбар ороли”, Зул Кифл алайҳиссалом, Амударё (Окс), Қуръони Карим, Инжил, (Тавротда-“Иезекиил”, “Хезкэль”Ивритда-“Тахр”), Ғазнавийлар, Исоқ ибн Кунажа, Айюб алайҳиссалом, Бишр ибн Айюб, Анбиё сураси, Сод сураси, Афғонистон, Маҳмуд ибн Валий, Ҳаким ат-Термизий, Ҳизр (а.с.).

Сурхондарё бой маданият ва маърифат ўчоғи сифатида танилган. Воҳада кўплаб азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар, буюк муҳаддислар мангу кўним топган юртлардандир. Улуғ аждодларимиз ҳамда пайгамбарларимиз билан нафақат фахрланиш, балки улардан бизгача қолган ҳадиси-шарифлари, бой маънавий меросларини тадқиқ ва тарғиб этиш бурчимиздир.

XI-XII асрларга оид Термиз шаҳри яқинидаги Амударё (Окс) иккига бўлиниб, икки орада орол пайдо қилиб оқади, шу оролда қадимдан табаррук ҳисобланган узун қабр ва кўҳна мақбара мавжуд. Бу қабр кейинчалик шу Оролда пайдо бўлганми ёки қабр қадимдан мавжуд бўлиб кўҳна Жайхун кейинчалик ҳурмат юзасидан бу қабрни зиёрат қилиб, иккига бўлиниб оққанми тадқиқталаб масаладир. Чунки кўҳна Амударё асрлар давомида бир неча бор ўз ўзанини ўзгартириб оққани тарихдан маълум. Хуллас, бу табаррук қабрни Қуръони Каримда муборак номи келган пайгамбар Зул Кифл алайҳиссаломга нисбатан беришади¹. Ўша оролда “Пайгамбар ороли” деб номланувчи меъморий ёдгорлиги мавжуд. Унинг “Пайгамбар ороли” деб номини олиши ҳам шундан бу ерда Қуръони Каримда зикр этилган 25 Пайгамбарлардан бири Зул Кифл пайгамбари дафн этилган дейилади.

1. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017. 14-бет.

Орол қамишзор, тўқайзор ва қумлардан иборатдир. Майдони тахминан 4 минг гектарлик сатҳга эга, узунлиги 8, эни 5-6 километрни ташкил топган. Амударёдаги Пайгамбар оролининг жануб қисмида жойлашган масжид, гўрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мурабба тарҳли, гумбазли, олди пештоқли. Меҳробига ганчкори гириҳ нақш ишланган. Гўрхона масжид сатҳидан 1 метргача баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган².



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Мажмуада Инжил, Таврот ва Қуръони Каримда номи зикр этилган Зул Кифл (а.с.) (Тавротда-“Иезекиил”, қадимги яҳудий тилида-“Хезкэль”Ивритда-“Тахр”) қабри бор деб ишонилади ³.

“Пайғамбар ороли” Амударё бўйида жойлашган бўлиб у Ўзбекистон ва Афғонистон чегараси билан ажралиб туради. Зул Кифл (а.с.) милoddан аввалги VII-VI асрларда яшаб ўтган тарихий шахснинг дунёда иккита мазори бор. Улардан бири Ироқнинг Кифл шаҳрида, иккинчиси ана шу оролда жойлашган. Манбаларда қайд этилишича, Зул Кифл қабри XI асрда яъни Ғазнавийлар даврида Пайғамбар оролига кўчириб келиниб, мақбара ва масжид бунёд этилган⁴. Тарихий манбаларда аббосийларнинг атоқли лашкарбошларидан Исоқ ибн Кунажа (992-993 йилларда вафот этган) ҳам шу ерда дафн этилгани қайд қилинган ⁵.

Баъзи тарихчилар бу зотни асл исми Бишр Айюб алайҳиссаломнинг ўғли дейишларини эслаб ўтдик. Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)дан сўнгра Бишр ибн Айюб (а.с.)ни пайғамбар этиб юборди. У зотга халқни тавҳид ақидасига, Аллоҳнинг бирлигига ишонишга даъват этиш амр қилинди. Бу зот ҳақларида Қуръони Каримнинг икки жойида қисқагина маълумот бор.

2. Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.

3. Озодлик радиоси. Абдумалик Турдиевнинг интервьюси. 27.04.2020.

4. Daryo.uz. Сурхондарёда қайси Пайғамбарнинг қабри бор? Мақола. 23.09.2018.

5. Diyor24. Пайғамбар орол ёхуд Зул Кифл мақбараси. Мақола. 17.06.2020.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло Анбиё сурасида қуйидагиларни айтади: **“Исмоил, Идрис ва Зул-Кифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилувчилардандир”** (85-оят). Зул-Кифл (а.с) ҳақида маълумотлар яна ҳам оз. Ҳатто баъзилар у зотни пайғамбарлар сафига қўшмайдилар ҳам. Лекин Анбиё сурасида машҳур пайғамбарлар билан бирга зикр этилиши у зотнинг пайғамбарлардан бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу оятда у зот ҳам сабр қилувчилар қаторига қўшилмоқда. **“Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир”** (86-оят). Сабрлари туфайли Аллоҳ таоло уларни Ўз раҳматига киритди. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда зикр қилинмоқдалар. Аллоҳ таоло Сод сурасида марҳамат қилади: **“Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул Кифлни ҳам эсла. Барчалари ахёрлардандир”** (48-оят) ⁶.

Зул Кифл (а.с.) нинг Қуръони Каримда улуғ пайғамбарлар қаторида мадҳ этилиши у зотнинг ҳам улуғ пайғамбар бўлганлигидан далолат беради.

Маълум ва машҳур бўлган воқеа ушбудир⁷; Зул Кифл (а.с.)га Рум тупроқларидаги халқ иймон келтирди ва тобе бўлди. Аллоҳ таоло уларга жиҳодни амр қилди, аммо улар буни истамадилар, ожизлик қилдилар: “Эй Бишр! Биз ҳаётни севамиз, ўлимни эмас. Аммо Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига осий бўлишни ҳам истамаймиз. Агар умрларимизни узайтириб, ўзимиз истаган вақтда бизни ўлдиришини Аллоҳдан тилай олсанг, Унга ибодат қилиб, Унинг душманлари билан жанг қиламиз”, - дейишди улар. Зул Кифл (а.с.) “Сиз мендан жуда катта нарса талаб қилдингизлар, тақлифингиз жуда оғир келди”, - дедилар ва намоз ўқишга киришдилар. Намозда “Ё Аллоҳим! Сен



менга элчилик вазифаларини етказишни буюрдинг. Душманларинг билан жанг қилишимни буюрдинг. Фақат Ўзинг кўриб турганингдек, бу борада менинг ўзимдан бошқага кучим етмябди. Қавмининг бу борада мендан талаб қилган нарсасини мендан кўра Ўзинг яхшироқ биласан! Мени ўзимдан бошқа кишининг гуноҳи билан азобга тутма! Мен Сенинг ғазабингдан Сенинг Ўзингга, Сенинг укубатингдан Сенинг авфингга сиғинаман! ”-деб дуо қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Сен қавмингга Менинг улар учун танлаган нарсам уларнинг ўзлари танлаган нарсадан яхшироқ эканини ўргатмадингми?”-дея ваҳий қилди.

6. ISLOM.UZ. Зул Кифл алайҳиссалом. Мақоласи.28.04.2017.

7. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.18-19-бетлар.Абулфидо. Ал-бидоя ван-нихоя.1-жилд.225-бет.

Шундан кейин бу одамлар ўз ажаллари билан ўлишга рози бўлдилар ва ажалдан ўлдилар ⁸. Зул Кифл (а.с.) Шомда вафот этдилар ⁹. Вафот этганларида 75 ёшда эдилар ¹⁰.

Маҳаллий халқни ривоятларига кўра эса, Амударёнинг нариги соҳилида яшаган бир авлиё сифат киши вафоти олдидан ўз муридларига васият қилади. “Ўлсам тобутимни Амударёга оқизинглар.Тобутим қаерга тўхтаса ўша ерга дафн қилинглр” дейди.Ул шахснинг вафотидан сўнг, унинг шогирдлари васиятини бажариб, тобутни дарёга оқизишади. Аллоҳнинг инояти ила Амударёнинг суви қанча сурсув ва тез оқмасин, тобут сувга қарама-қарши оқа бошлайди. Бундан ҳайратланган муридлар тобутни дарё ёқалаб кузатиб боришади. Амударё дарёси иккига бўлиниб, ҳосил бўлган оролчага яқинлашгач, тобут шу жойда тўхтайди ва ваҳий келади. “Юқорида ул зот ётибдики, ҳатто тобутим ҳам ул зотдан хатлаб ўтолмайди”. Бу Ҳаким ат-Термизийга нисбатан келган ваҳий эди. Тубут ўша оролчага дафн этилгач, маҳаллий аҳоли томонидан ушбу орол “Пайғамбар ороли” деб юритила бошланади¹¹. XII-XIII асрларда орол табаррук зиёратгоҳ ҳисобланган. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да ёзилишича, оролда ислом улуғларидан бири дафн этилган ва унинг қабри устида Зул Кифл (а.с.) масжиди бўлган. Шу боис мусулмонлар бу оролни муборак жой ҳисоблаб “Пайғамбар ороли” деб аташган¹².

8. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.19-бет.Салабий. Ароис.164-бет.

9.Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.19-бет. Табарий. Тарих. 1-жилд. 167-бет; Ҳоким. Мустадрок. 2-жилд. 582-бет; Салабий.Ароис. 164-бет; Ибн Асир. Комилю1-жилд. 136-бет.

10. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.19-бет. Табарий. Тарих. 1-





жилд. 167-бет; Ҳоким. Мустадрок. 2-жилд. 582-бет; Ибн Асокир. Тарих. 5-жилд. 269-бет; Ибн Асир. Комил.1-

жилд. 136-бет; Муҳйиддин ибн Арабий. Муҳодарот-ул-Аброр. 1-жилд. 128-бет;

11. Diyor24. Пайғамбар орол ёхуд Зул Кифл мақбараси. Мақоласи.17.06.2020.

12. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017. 16-бет. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 8-жилд. Тошкент-2004. 155-160-бетлар.

XVII асрда яшаган балхлик машҳур қомусий олим Маҳмуд ибн Валий “Сирлар денгизи” асарида пайғамбар Зул Кифл (а.с.) дафн этилган Термиз яқинидаги бу орол Ҳаким ат-Термизий билан Ҳизр (а.с.) нинг учрашув жойи бўлганини қайд этган ¹³

У зотга бу исми берилиши Аллоҳдан насиби бўлганлиги сабаблидир. Ёки умматига (кафил бўлиб) кафолат берганлиги қавмига ҳамиша адолатли бўлиб, ўз замонининг пайғамбарлари каби савоб қозонганлари учун берилгандир. Аллоҳ таолонинг амр ва тақиқларини сабр-тоқат қилиб, ғазабланмасдан билдиришни ўз зиммасига олиб одамларга етказишини ўз бурчи деб билган ва умрини ибодат билан ўтказган.

2012 йилда Республика бюджетидан маблағ ажратилиб “Зул Кифл пайғамбар” мақбарасининг ички қисми таъмирланган. Лекин тўлиқ яқунланмаган ¹⁴. Зул Кифл мақбараси таъмирталаб аҳволга келиб қолгани учун 2017 йил маҳаллий ҳокимият (Ўша вақтдаги Э.Турдимов) томонидан мақбара ҳомийлик маблағлари эвазига тўлиқ қайта реставрация қилинган ¹⁵.

Бу мўжаз орол қўшни Афғонистонга туташ бўлгани боис чегарачилар томонидан қўриқланади. Мақбара чегара зонасида жойлашганлиги учун у ерга туристлар ёки оддий аҳоли яқинлашиши таъқиқланади.

Қуръони Каримни икки жойида номлари зикр қилинган Зул Кифл (а.с.) нинг қабри ҳақиқатдан ҳам “Пайғамбар ороли” дами деган саволга аниқ жавоб йукдир. Зул Кифл (а.с.) нинг қабри ҳақидаги ривоятларга таянган ҳолда, аниқ тўхтамли ҳақиқат фақат Аллоҳга аёндыр.

13. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.

Қаранг: Иброҳим Усмонов, Ҳаким Термизий. Т., 2014. 21-бет.

14. Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.

15. Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.14-бет.
2. Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.
3. Озодлик радиоси.Абдумалик Турдиевнинг интервьюси.27.04.2020.
- 4.Daryo.uz. Сурхондарёда қайси Пайғамбарнинг қабри бор? Мақола.23.09.2018.
- 5.Diyor24. Пайғамбар орол ёхуд Зул Кифл мақбараси. Мақоласи.17.06.2020.
- 6.ISLOM.UZ. Зул Кифл алайҳиссалом. Мақоласи.28.04.2017.
- 7.Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.
18-19-бетлар.Абулфидо.Ал-бидоя ван-нихоя.1-жилд.225-бет.
- 8.Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.
19-бет.Салабий. Ароис.164-бет.
- 9.Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.19-бет. Табарий. Тарих. 1-жилд. 167-бет; Ҳоким. Мустадрок. 2-жилд. 582-бет; Салабий.Ароис. 164-бет; Ибн Асир. Комилю1-жилд. 136-бет.
10. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.19-бет. Табарий. Тарих. 1-жилд. 167-бет; Ҳоким. Мустадрок. 2-жилд. 582-бет; Ибн Асоқир. Тарих. 5-жилд. 269-бет; Ибн Асир. Комил.1-жилд. 136-бет; Муҳйиддин ибн Арабий. Муҳодарот-ул-Аброр. 1-жилд. 128-бет;
11. Diyor24. Пайғамбар орол ёхуд Зул Кифл мақбараси. Мақоласи.17.06.2020.
12. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек.Давлат илмий нашриёти.Тошкент-2017.16-бет. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 8-жилд.Тошкент-2004. 155-160-бетлар.
13. Термиз тазкираси. “Буюк Термизийлар”. Мирзо Кенжабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2017.
Қаранг: Иброҳим Усмонов, Ҳаким Термизий. Т.,2014.21-бет.
14. Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.
- 15.Семья в Анталии. Хиндол Мадраимовнинг Facebookдаги мақоласи. 25.04.2020.\